



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасидан.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

51

(796)-son

21-dekabr

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

23-ДЕКАБР — ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI KUNI



## Етуклик синови

МАМЛАКАТИМИЗДА САЙЛОВЛАРНИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИШ УЧУН ЕТАРЛИ ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛГАН. БЎЛАЖАК САЙЛОВ НАФАҚАТ УШБУ СИЁСИЙ ТАДБИРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА ДАХЛДОР БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ УЧУН, БАЛКИ ШУ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДИМАН ДЕГАН БАРЧА ФУҚАРОЛАР УЧУН, ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ЕТУКЛИК СИНОВИ БЎЛАДИ.

### БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН

"Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга" дейилади Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида.

Президент сайловида иштирок этиш — ўн саккиз ёшга айнан шу йили тўлган ёшлар учун унутилмас воқеа. Мен ҳам Конституциямизнинг ушбу қондасига асосан илк бор сайловда қатнашиш бахтига муяссар бўляпман. Сайловчилар рўйхатида ўз исм-шарифимни кўриб, ҳаяжонландим. Ахир, мен ҳам мамлакатимиз келажаги учун, Ватан, юрт, энг муҳими, ўз тақдиримиз учун овоз бераман.

Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан хурсандман. Биздек қишлоқ ёшларига ҳам замонавий коллежларда ўқиш насиб этди. Касб-хунар сирларини пухта ўрганишимиз, жамиятда мустақам ва муносиб ўрнимизни топишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тенгдошларимиз билан бирга замонавий компьютерлар орқали дунёнинг хоҳлаган мамлақати ҳаётдан хабардор бўлиш, хорижлик йигит-қизлар билан дўстлашиш, фикр алмашиш имкониятига эгамиз.

Биз таҳсил олаётган педагогика коллежи бир вақтлар эски мактаб биносининг бир қисмида жойлашган эди. Истиқлол шарофати билан вилоятимизда барпо этилган тўртта академик лицей ва 36та касб-хунар коллежи қаторида бизнинг коллежimiz ҳам алоҳида меъморчилик санъати асосида қурилган янги бинога эга бўлди. Янги бинога яраша жиҳозлар келтирилди, ахборот технологияларини пухта эгаллашимиз учун имкониятлар яратилди.

Буларнинг барчаси бизни шу азиз юртга муносиб фарзанд бўлишга ундайди, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Бундан ташқари, келаётган 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани биз учун янги имкониятлар эшигини очиб бериши, янги орзу-умидларимизга қанот бўлиши табиий.

Мен 23 декабр кuni Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун овоз бераман.

Гулҳаё АСАДОВА,  
Навой педагогика коллежининг  
"Информатика ва ахборот технологиялари" бўлими талабаси

2-БЕТ



## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Республикамиз ахли муборак Курбон хайитини кенг нишонлади. Шу муносабат билан Юртбошимизга хорижий давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларидан табрик хатлари келмоқда. Жумладан, Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусний Муборак, Иордания Хошимийлар Подшохи Абдуллоҳ II бин ал-Хусайн, Уммон Султони Қобус бин Саид, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва бошқа давлат раҳбарлари номидан келган табриконаларда самимий қутловлар билдирилган.

✓ Матбуотда "Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида 18 декабр куни мамлакатимиз ва хориж журналистлари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссияси штаби вакиллари иштирок этди. Брифингда Миссия штаби раҳбари Владимир Гаркун сўзга чиқди.

✓ Матбуотда "ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссейини "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чоп этилди.

✓ Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонднинг 2007 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Меҳр нури" хайрия жамғармасининг Тадбиркор аёллар учун оилавий грантлар дастури ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси голиблари сертификатлар топширилди.

✓ Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Факулдада ва мухтор элчиси Отабек Акбаров Қиролича Елизавета IIга ишонч ёрликларини топширди.

✓ Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Қироллик ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Илсом университетига Ziyonet ахборот тармоғининг янги бўлиналари тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда университет раҳбарияти ва талабалар иштирок этишди.

✓ Тошкент шаҳридаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида журналистлар ўртасида ўтказилган учинчи миллий танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ Ил довомида ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида темир анемиясининг олдини олиш масалаларини ёритиш, шунингдек, бойитилган ун ва ун маҳсулотларига аҳоли талабини оширишга қаратилган кенг қамровли семинарлар ташкил этилди.

✓ Танлов голибларига қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар топширилди.

✓ "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги тантанасидаги маърузасида тилга олинган масалалар ҳақида сўз борди.

## 23-DEKABR — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI KUNI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Конституциявий ҳуқуқда «сайлов» деганда давлат органларини шакллантириш ёки мансабдор шахсга ваколатлар беришни овоз бериш йўли билан амалга ошириш тушунилади. Сайловлар умумэтироф этилган қоидаларга биноан умумий, эркин, тенг, тўғридан-тўғри ёки поғонали, яширин овоз бериш тамойиллари асосида ўтказилади.

Умумий сайлов ҳуқуқи деганда маълум бир ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунилади. Айрим давлатларда умумий сайлов ҳуқуқи конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунлар томонидан алоҳида цензорлар (чекловлар) билан чегараланиши мумкин.

Ўтаётган вақт барчамизни мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига тобора яқинлаштирмоқда. Шу муносабат билан сайлов тушунчаси нима, сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари нималардан иборат, Ўзбекистонда сайловларнинг қандай ҳуқуқий асоси мавжуд, деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолдир.

# ЎТУҚЛИК СИНОВИ

Эркин сайлов ҳуқуқи сайловчининг сайловларда иштирок этишини ўзи ҳал қилишни назарда tutади. Англосаксон ҳуқуқий тизимига кирувчи давлатларда сайловчиларнинг неча фоизи овоз беришда иштирок этиши унчалик аҳамиятли эмас. Шу билан бирга, бир қатор давлатлар конституцияларида сайловларда иштирок этиш ҳуқуқ эмас, балки бурч эканлиги белгилаб қўйилган. Масалан, Италия конституциясида «Овоз бериш — шахсий ва тенг, эркин ва яшириндир. Уни амалга ошириш фуқаролик бурчидир», дейилган. Австралида эринчоқ сайловчида давлат идораларида ишлашдан маҳрум этилади.

Тенг сайлов ҳуқуқи ҳар бир сайловчининг сайлов натижаларига таъсир қилиш имкониятининг тенглигини, яъни тенг овозга эга эканлигини назарда tutади. Бундай овоз одатда битта, баъзан эса иккита белгиланиши мумкин. Тенг сайлов ҳуқуқи принципини таъминлаш учун барча овознинг сайлов натижаларига тенг таъсир этиши мумкин. Бунга одатда ягона вакиллик нормаси орқали эришилади, яъни ҳар бир депутатга бир хил миқдордаги сайловчилар тўғри келиши лозим бўлади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи сайловчининг сайлов органига ёки сайланадиган лавозимга бевосита сайланиши ёки сайланиши аниқлаштирилади. Ушбу принцип орқали Президентлар сайланади, жуда кўп давлатлар парламентларининг қуйи палаталари шакллантирилади, баъзан юқори палата (масалан, АКШ, Италия, Польша) ҳам.

Поғонали сайлов ҳуқуқи шуни назарда tutадики, сайловчи аввал сайлов органини сайладиган махсус кенгаш аъзоларини сайлайди. Кенгаш аъзолари эса кейинги босқичда сайлов органини сайлайдилар. Поғонали сайлов икки ва ундан ортиқ босқичли бўлиши мумкин. Масалан, АКШ президенти, Хиндистон парламентининг юқори палатаси (штатлар кенгаши) икки босқичда, Умумий халқ вакиллари йиғилиши уч босқичда шакллантирилади.

Яширин сайлов ҳуқуқи овоз беришчиларнинг хоҳиш-иродаси назарда қилинишига йўл қўйилмаслиги

ни билдиради. Францияда бу принципга 1871 йилдан бери, Буюк Британияда 1872 йилдан риё этилади. Бунга сайловчининг овоз бериш кабинасига кириб, ўз хоҳиш-иродасини хоҳлаган тарзда, четдан кузатувчисиз ифодалаш орқали эришилади.

Хўш, Ўзбекистонда сайловларни муносиб ташкил этиш учун қандай ҳуқуқий асослар мавжуд?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чинакам демократик сайловлар ўтказиш имкониятлари республикамиз истиқлолга эришгангана қўлга киритилди. Мустақил давлатлимининг янги конституцияси қабул қилиниши билан сайлов тизими ва унинг тамойиллари асос солинди.

Конституциямининг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республи-

қатнашиши кифоядир.

Шунингдек, илгари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳокимият вакиллик органлари ҳам эга бўлган бўлса, эндиликда ҳокимият вакиллик органлари номзод кўрсатмайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар, Қонунчилик палатасига сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, маҳаллий кенгашларга сиёсий партияларнинг тегишли органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари эгадирлар.



қасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб, Президент сайлови, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаролатилган.

Мамлакатимизда умумий фаол сайлов ҳуқуқига 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эгадирлар. Республикамиз фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, irqиқ ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Яширин овоз бериш ҳуқуқи сайлов тўғрисидаги барча қонунларимизда белгиланган. Жумладан, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши, яширин овоз бериш ҳуқуқи устидан назорат этишга йўл қўйилмаслиги, участка сайлов комиссиялари бунинг учун имконият яратишлари каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Сўнгги пайтда сайлов қонунчилигига киритилган айрим ўзгаришлар ҳам мамлакатимизда сайловларни янада демократик ўтишини таъминлашга қаратилган. Чунотки, энг муҳим масалалардан бири бўлмиш сайловларни ўтказиш мuddатига ойдинлик киритилди, конституциянинг 117-моддасида Президент сайлови, Парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар уларнинг ваколат мuddати тугайдиган йилда — декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилган ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг бошланғичлигини сайлов кунидан камида уч ой олдин эълон қилиниши сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва кенг жамоатчиликнинг сайловларга яши тайёргарлик қўришлари учун имкон бермоқда.

Илгари сайлов ўтган деб ҳисоблаш учун рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 50,0 фоизи ҳозир бўлиши зарур бўлган бўлса, эндиликда бунинг учун рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33,0 фоизи сайловда

Бу конституциявий норма кўппартиявийлик шароитида муқобиллик асосида ўтказиладиган сайловлардаги рақобатни янада кучайтиради, жамиятимиздаги сиёсий партиялар ролини оширади, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг сайловдаги фаоллигини юксалтиришга, халқимизнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти ўсишига хизмат қилади.

Маълумки, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи 7 йиллик конституциявий ваколат мuddати тугайди. Шу муносабат билан 23 декабр куни конституциянинг 117-моддасига ва Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида берилаётган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлардан, ён-атрофимиздаги суҳбатлардан кўриниб турибдики, халқимизнинг сиёсий фаоллиги, бўлажак сайловга қизиқиши сезиларли даражада ортган. Фуқароларимиз кимга овоз беришга, эртага ўзларининг орзу-умидларини рўйбага чиқариш учун кимга ишонч мандати топширишга беварқ эмаслар. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бу халқимизнинг ҳуқуқий маданияти негучил юксалганининг далолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун етарли ҳуқуқий асос яратилган. Муҳими, эртанги кунимиз қандай бўлади, жонахон Ўзбекистонимиз ўз танлаб олган йўлидан қанчалик шиддат билан янада илгарилайди, ким халқимизнинг ҳуқуқий маданияти таъминлай олади, ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беради — шу каби саволларга жавоб беришда беварқ бўлмаслигимиздадир. Алқисса, бўлажак сайлов нафақат ушбу сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга дахлдор бўлган давлат органлари учун, балки шу юртининг фарзандиман деган барча фуқаролар учун, ҳар биримиз учун етуқлик синови бўлади.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,  
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ  
Наманган филиали  
директори, юридик  
фанлари номзоди

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

# Донишмандлик фасли

Ёшлик инсон ҳаётида келажак учун уруф қадаладиган палладир. Турсунбой йигитлик бурчини Украинада, алоқа ротасида ўтади. Бу ерда у коммутаторда ишлади. Бу давр унинг ҳаёт йўлини белгилаб берди.

У 1962 йилда она юртга қайтиб, Марғилон шаҳрини айланб юрганида «Ишга таклиф этилади» деган эълонга кўзи тушди. Қараса, телеграфчи керак, деб ёзилган экан. Уни дарҳол ишга қабул қилишди. Олдин телеграфчи, сўнг почта алоқаси бўлимида ёрдамчи бўлиб, кейинроқ 3-почта алоқаси бўлимида ишлади. Маждид Корнеев, Меликўзи Тожибоев, Иван Лукашлардан касб сирларини ўрганди. Тошкент алоқа техникумининг почта техниги йўналишида ўқиди. Фаёз Файзиев, Нўъмон Каримов каби раҳбарларнинг ўғитларига амал қилди. Шунинг учун қисқа фурсатларда яхши почта мутахассиси сифатида танилди.

Турсунбой Едгоров 1978 йилда Марғилон шаҳар алоқа бўлими бошлигининг почта бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. 1986 йилдан фахрийликкача ревизорлик қилди.

Хозирда отахон фахрийлик гаштини сурмоқда. Кўплаб невараларнинг бобоси. Ёшлигида буш вақтларида шеърлар ёзар, ҳамкасбларига, фарзандларига ўқиб бериб кўнгулларини обод этарди. Айни кунда ҳам отахон шеърини сатрлар битиб туради. Одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат каби асрий қадриятларни улуғлайди. Айниқса, почта ходимларига аталган шеърлари шундай таъсирли чиқадики, ҳамкасблари отахонни давомли қарсақлар билан олқишлайдилар. Яқинда Марғилонда бўлиб ўтган шаҳарнинг 2000 йиллигига бағишланган маркаларни сўндириш маросимида ҳам отахон шеърларида алоқачиларнинг инсоний сифатларини мадҳ этиб, қалбларга эзгу туйгулар бағишлади.

Касби билан боғлиқ қизиқ воқеалар отахон хотирасида ўчмас из қолдир-

ган. Уларни шундай ҳикоя қилиб берадики, эшитиб зерикмайсиз.

— 1970-75 йилларда Марғилон почта алмашинув шахобчасида иш қайнагандан қайнарди, — дейди отахон. — 32 нафар одам уч сменада ишларди. 18 соат ишлашиб, икки сутка дам олишарди. Худди шунинг учун ҳам Марғилон станцияси «Почта юраги» деб аталарди.

Барча поездларда почта вагонлари бўларди. Байрам арафаларида 90-100та қопда хат-хабарлар келарди. Иш икки-уч баравар кўпайиб кетар, бош қашишга вақт бўлмас эди. Ростини айтиш керак, иш одатдагидан анча кўп бўлганида почта жўнатмаларини белгиланган 5 дақиқа ичида олишга улгурмай, ходимлар навбатдаги Охунбобоев, Ванновский станцияларига ўтиб кетган вақтлар бўлган. Уша чоғда бу жуда аламли бўлса-да, кейин кула-кула эслар эдик.

Отахон яна бир воқеани алоҳида иштиёқ билан сўзлади:

— Бир куни поезд келаятган йўлда электрокара бузилиб қолди. Шунда ҳаммамиз нима қилишни билмай қолдик. Лекин бошлигимиз, ажойиб инсон Ғанижон Абдуллаев жон-жаҳди билан бақириб, йўл тузатувчиларнинг диққатини электрокарага қаратди ва улар зудлик билан келиб электрокарани йўлдан олдилар. Шундай қилиб, рўй бериши мумкин бўлган фалокат бартараф этилди...

Отахон ҳаётидаги бундай ҳодисаларни тез-тез эслаб туради. Ёшлардан қимматли насихатларини аямайди. Умрининг баҳор фаслини беҳуда ўтказмасликка, билим ва ҳунар эгаллашга даъват этади.

— Хозирги ёшларга ҳавасим келади, — гапира туриб чехрасидан нур балқийди отахоннинг. — Уларнинг униб-ўсиши, бор истеъдодларини ишга солиши учун барча имкониятлар яратилиб қўйилган. Мамлакатимиз раҳбари Конституция-мазмунининг 15 йиллигига бағишланган тантанاداги маърузасида 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилганида бошим кўкка етди. Бир инсон, бир бобо сифатида гоят қувондим. Демак, ёшларимиз эртага бугунгидан ҳам шижоат билан ўқиб, изланиб, кашфиётлар яратиб Ўзбекистонимиз нуфузини чандон оширадилар...

Умрининг донишманд фаслини гўзал лавҳалар билан бойтаётган отахонга хорманг, умрингиз зиёда бўлсин, деймиз.

**Хафиза САЛҲОҶОВА,**  
«Xabar»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## VILOYATLARDAN XABARLAR

### ПОЧТАЧИЛАР — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА

Пахтакор тумани почта алоқаси тармоғи ва унинг жойлардаги 9та бўлими 56 минг нафар аҳолига почта хизмати кўрсатиб келмоқда. Жамоага бирлашган 25 нафар ходим пенсионерларга ҳар ойда 300 миллион сўм пул тарқатишмоқда, 10 миллион сўмлик коммунал тушумларини расмиёлаштиришяпти.

Бир ойда 1500та хат-хабар ва ҳар хил жўнатмалар эгаларига етказиб берилляпти. Ҳар ойда 100 минг сўмлик хатжилд ва маркалар, 70-80 минг сўмлик газета-журналлар сотилляпти. Бу ишларни бажаришда Боғлон Бекмуродова, Нормурод Уришев, Усмон Примқулов каби алоқа бўлими бошликлари намуна кўрсатишмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида анчагина ижобий ишлар амалга оширилди. Тармоқ ходими А.Жумабоевга сихатгоҳга бепул йўлланма берилди. 15 нафар ёлғиз қарияга моддий ёрдам кўрсатилди. Мустақиллик байрамида С.Остонакулова, У.Пардаев, Н.Абдурахмонов, М.Қосимова, И.Уроқова, С.Уроқова, С.Қоллежийларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Ходимлар тумандаги

барча ободонлаштириш ишларида қатнашишмоқда.

Арнасой туманида 39 минг киши яшайди. Уларнинг 2451 нафари пенсионер. Арнасойликларга туман почта алоқаси тармоғи жамоаси хизмат кўрсатиб келмоқда.

Почта алоқаси тармоғи бошлиғи Зойир Умаровнинг айтишича, туман ҳудудида олтинча почта алоқаси бўлими аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Почтачиларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар ойда ўртача 1500та хат-хабар ва жўнатмалар ҳамда пенсия пуллари ўз эгалари қўлига етказиб берилляпти. Бу ишларни удадалашда Самия Абдуллаева, Феруза Шербекоева, Абдумурод Ҳакимов, Ҳазрат Авазов, Мушарраф Йўлдошевлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Кам таъминланган фахрий алоқачи Бувайша Шербекоева Ижтимоий ҳимоя йилида бир бош сизир соғва қилинди. Ёлғиз қария Хуррам Сирож, иккинчи гуруҳ ногирони Суннат Йўлдошевга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Почта ходимлари фарзандларига сихатгоҳларга бепул йўлланма берилди.

Туманда обуна ишлари муваффақиятли яқунланмоқда.

**Алибой ЭРГАШЕВ**

### АКТ — ҚИШЛОҚЛАРДА

Қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида «Хоразм Телеком» филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали ва «Матбуот тарқатувчи» АК Хоразм шўъба корхонаси томонидан туманлар марказида ва Урганч шаҳрида интернет-кафедрлар учун мўлжалланган хоналар таъмирдан чиқарилиб, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди. Барча туманларда интернет хизмати кўрсатиш шахобчалари очилди бўйича режа бажарилди. Бугунги кунда вилоят аҳолисига 21та интернет-кафе хизмат кўрсатмоқда. 51та қишлоқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси сервис хизматлари очилди, 11та провайдер ташкил қилинди.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш бўйича шу йилнинг ўтган даврида 4та қишлоқ телефон станциясини рақамли станцияга алмаштириш бўйича Тошкент шаҳридаги «Коинот» ОАЖ билан шартнома тузилиб, жами сизими 640 рақамли станциялар ишга туширилди. Хитойнинг ZTE компанияси билан 3та қишлоқ ҳамда 4та янги ва 2та аналогли шаҳар телефон станциясини жами сизими 9600 рақамга эга бўлган замонавий рақамли телефон станцияларига алмаштириш ҳамда қуриш бўйича монтаж ишлари яқунланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида «Хоразм Телеком» филиали бўйича асосий телефон аппаратлари сони ўсиши 1683тани, жами стационар телефон аппаратлари сони 97777тани ташкил қилди. Станцияларини рақамлаштириш даражаси 65 фоиздан ошди.

«Хоразм Телеком» филиалида маҳоратли мутахассисларни аниқлаш бўйича вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Энг яхши телекоммуникациялар хизмати ходими» номинацияси бўйича Урганч шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 5-тоифали КРОСС электромонтёри Феруза Бозорова голиб деб топилди. Урганч шаҳар телекоммуникациялар боғламаси линия муҳандиси Отахон Поллонов ҳам голиблигини қўлга киритди.

«Энг яхши сервис ходими» номинацияси бўйича Урганч шаҳар телекоммуникациялар боғламаси иш юритувчиси Надя Ҳамидулина биринчи ўринни эгаллади. «Энг намунали телекоммуникация боғламаси» номинациясига Қўшқир телекоммуникациялар боғламаси сазовор бўлди.

Қишлоқ жойларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида намунали хизмат кўрсатаётган Хонқа туманидаги «Зафар Телеком» хусусий корхонаси пешқадамлар сафидан жой олди.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ**

### КЎРГАЗМАЛИ ЯРМАРКА

Сурхондарёда 2008-2009 ўқув йили учун умумтаълим мактабларига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазмали ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмада туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мутахассислари, ўқитувчилар ва фасл ўқувчи-ёшлар қатнашишмоқда. Улар иштирокидаги илк учрашув «Чўпон», «Фафур Фулом», «Миллий энциклопедия» ва «Ўқитувчи» нашриётлари раҳбарлари билан бўлди. Тадбирда нашр этилаётган ўқув дарсликларидagi баъзи нуқсонлар рўй-роқ айтилди.

— Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган яхши гап бор, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Шайдулла Холиёров. — Шу маънода мамлакатимиз бўйлаб биринчи марта ўтказилаётган ярмарка амалийлиги билан катта аҳамият касб этмоқда. Ташриф буораётган фойдала-

нувчилар ўз таклиф-мулоҳазаларини чин кўнгулдан дўстона ёзиб қолдиришмоқда. Биз бундай мулоқотларни ноширларга етказиб турибмиз.

24 декабрда давом этадиган кўргазмани ҳар икки кунда туманлардан келаятган вакиллар атрофида кузатиб боришмоқда.

Музработ туманидаги матбуот тарқатиш дўконлари келгуси йили яна биттага кўпаяди. Шундай қилиб, «Кўнғирот» фермер ҳўжаликлари уюмасида мушаррафларга хизмат кўрсатувчилар сони ошади.

Умуман олганда, Шоди Омонов бошлиқ филиал жамоаси 2007 йилни барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижалар билан яқунлашмоқда. Хусусан, миқозлар сафи кенгайишига эришилди. Бундай сезиларли ютуқларда Ханди Раҳимова, Озода Бобоназарова каби кўп йиллик тажрибга эга музработлик матбуот тарқатувчиларнинг хизмати катта бўлди.

**Нортожи ЗИЁЕВ**

## MINNATDORCHILIK MAKTUBLARI

### Омон бўлинг, азизлар!

Мен Сўх туманида истикомат қиламан. Шунча йиллар мобайнида уйимизда телефон йўқ эди. Ижтимоий ҳимоя йилида саховатли инсонлар ёрдами билан телефонли бўлдим. Бунинг учун «Фарғона Телеком» филиали жамоасига миннатдорчилик билдираман ҳамда омон бўлинг, азизлар, дейман.

**Жалол ХОЛБОВЕВ**  
Фарғона вилояти

### Яхшилар-ла обод бу дунё

Инсон ҳаёти доим бирдай давом этилас экан. Мен ҳам соппа-соғ юрар эдим. Лекин армия хизматида борганимда фалокат содир бўлиб, бир оёғимдан ажралдим. Ногирон бўлиб қолдим. Шунда яхши одамлар ёрдамга келишди ва менинг ногиронлик пенсияси олишим учун ҳужжат тайёрлашимга ёрдам беришди.

Мен бу борда яқиндан ёрдам берган туманимиз ижтимоий таъминот бўлими мудир Кургонжон Рустамов ҳамда бош ҳисобчиси Муҳаммадёр Тулепбергеновлардан миннатдорман. Шунингдек, ушбу мактубим орқали яна бир инсонга раҳмат айтмоқчиман. У ҳам бўлса почтачиси Турсунбой Отарбоевадир. Турсунбой пенсиямни ҳар ойда ўз вақтида келтириб берляпти. Ишқилиб бахтимизга яхши одамлар сафи кўпаяверсин!

**Адилхан САПАРБЕКОВ**  
Жиззах вилояти

## XALQARO HAYOT

ХАРБИЙ АМАЛИЁТЛАРГА  
РУХСАТ ЙЎҚ

Покистон президенти Парвез Мушарраф Washington Post газетаси ва Newsweek ҳафтаномасига берган интервьюсида Покистон ўз ҳудудига АҚШ ҳарбийларига террорчилик ҳаракатларига қарши амалиётлар ўтказишга рухсат бермаслигини билдирди.

"Америкаликларнинг бир ёқлама ҳаракати Покистон учун маъбул эмас, Покистон халқи ҳеч бир хорижий аралашувни қабул қила олмайди ва мен ҳам буни маъбул деб ўйламайман, — деди президент. — Бундан ташқари, — дея таъкидлади у, — Вашингтон билан Исломобод ўртасида Покистонда бир томонлама америкача амалиётлар ўтказишни четлаб ўтиш имкониятларини берувчи қидирув ҳам-корлиги давом этяпти".

Шунингдек, Мушарраф, борди-ю, январ ойида кутилаётган парламент сайловларида Беназир Бхутто раҳбар бўлган Покистон халқ ҳаракати галаба қозониб, унинг ўзи бош вазир лавозимига келадиган бўлса, биргаликда иш-лашга тайёр эканлигини ҳам билдирди.

## КУРД ЛАГЕРЛАРИ НИШОНДА

Туркия армияси Ироқ шимолида курд жангариларига қарши ҳарбий амалиётлар ўтказди.

Мамлакат армияси кўмондонини генерал Ясар Буканитнинг билдиришича, Ироқнинг шимолий ҳудудига ракета зарбалари берилишини бевосита АҚШ қўллаб-қувватлаган. Унинг сўзларига кўра, Америка тарафи Туркия армиясига разведка маълумотларини etkazган ва курдлар жойлашган лагерларни бомбардимон қилишга ҳаво кенгликлари очиб берилган. Ҳозирча, қанча жангари йўқ қилингани ҳақида бирор маълумот йўқ.



## ЛОЙИХА ТАСДИҚЛАНСА...

АҚШ Конгрессининг қуйи палатаси Марказий разведка бошқармасига тергов жараёнида маъсуларга нисбатан турли қийноқлар қўлланилишини тақиқловчи қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Агар Сенат ҳам ушбу қонунни маъқулласа, Жорж Бушга имзолаш учун жўнатилади. Бироқ манбада айтилишича, Оқ уй ушбу қонунга нисбатан вето қўллаши мумкин.

РОССИЯ ХАМ ҚАРАБ  
ТУРМАЙДИ

Агар АҚШ Полша ва Чехияга ракета ҳужумига қарши тизимини ўрнатадиган бўлса, Россия ўзининг қитъалараро баллистик ракеталарини ушбу объектларга қарши қаратишга мажбур бўлади.

Бу ҳақда Россия стратегик ракета қўшинлари кўмондони Николай Соловцов маълум қилди. Унинг таъкидлашича, гарчи америкалик ҳарбийлар бу тизим Эрон ракеталарига қарши ўрнатилаётганини айтишаётган бўлсаларда, аслида, бундан қандай мақсад кўзланаётгани россияликларга яхши маълум.



## КЕМАЛАР УЧУН ТУННЕЛ

Норвегия дунёда биринчи бўлиб кемалар учун туннель қурмоқчи.

Гап шундаки, мамлакатнинг Стад ярим ороли атрофида доимий равишда эсадиган кучли шамол ва бурон кемалар ҳаракатига жиддий халақит беради. Лойиҳага биноан, туннелнинг узунлиги 1,7 километрни ташкил этади. Уч йилда қуриб битказилиши керак бўлган ушбу объектни ишга тушириш учун 310 миллион доллар маблағ сарфланади.

## ЖУРНАЛИСТ ГАРОВДА

Associated Press ахборот агентлиги хабарига кўра, французлик журналист Гвен ле Гуил Сомалининг шимоли шарқида гаровга олинган.

Гаровга олганлар журналистни озодликка чиқариш учун 70 минг доллар талаб қилишмоқда. Журналист Сомалидаги ноқонуний муҳожирилар ҳақида мунтазам репортажлар бериб келаётган эди.

\*\*\*

Женевадаги "Пресс Эмблем кампан" халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, жорий йилнинг шу кунигача 110 нафар журналист дунёнинг 27 мамлакатидан ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда ҳалок бўлган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоиз кўндр.

Ироқ ҳамон журналистлар учун энг хавфли ҳудуд бўлиб қолмоқда. Жорий йилнинг ўтган 11 ойида бу мамлакатда 50 нафар журналист ўлдирилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁР ВА ҚОИДАЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилаётган текширишлар, ўрганишлар ва мониторинг натижасида

фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонуни талаблари бузилганлиги учун вилоят ДАИнинг 2007 йил 5 мартдаги кўрсатмаси билан

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

жойларда масъул мансабдор шахслар фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва меъёрий ҳужжатлар талабларига бепарволик билан қараётганлиги аниқланди.

Давлат алоқа инспекцияси тўғрисидаги Низомга асосан почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг муайян турини тегишли лицензиясиз амалга ошираётган ҳўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш мақсадида Сурхондарё вилояти ДАИ ходимлари томонидан март ойида мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2001 йил 12 ноябрда «Шеробод маҳаллий телевидениеси»га «теледастурлар тарқатиш тармоғини лойиҳалаш, қуриш ва хизмат кўрсатиш» учун берилган лицензиянинг амал қилиш мuddати 2006 йил 30 сентябрда тугаганлиги, лицензиянинг амал қилиш мuddатини узайтириш учун «Шеробод маҳаллий телевидениеси» раҳбари томонидан тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳўкуқи учун давлат божи ўз вақтида тўланмасдан лицензиясиз фаолият кўрсатиш келаётганлиги аниқланди.

Телевидение раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Айрим

«Шеробод маҳаллий телевидениеси»нинг фаолияти лицензия олгунга қадар тўхтатилди ҳамда ваколат доирасида тегишли чоралар кўриш учун вилоят солиқ бошқармасига ҳужжатлар тақдим этилди.

Шунингдек, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан 2006 йил 29 декабрдаги 4/1-Г сонли қарори билан тасдиқланган 2007 йил текширишлар режа-жадвалига асосан жорий йилнинг август ойида Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан «Шеробод маҳаллий телевидениеси» фаолияти режалари текширишдан ўтказилди.

Текшириш жараёнида «Шеробод маҳаллий телевидениеси»нинг аҳолига телевидение хизмати кўрсатишда жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Ушбу ҳўжалик юритувчи субъект томонидан 2007 йил 25 июлда эфирга узатишга кўрсатувларнинг овози қониқарсиз тайёрланиб эфирга узатилганлиги, мавжуд техник воситаларга мувофиқлик сертификатлари олинмаганлиги, дастурларни эфирга узатиш вақтига риоя қилинмаётганлиги, студия ва монтаж хоналари норматив ҳужжатлар талаблари асосида жиҳозланмаганлиги, фуқароларнинг мурожаатлари

билан ишлашда қонунда белгиланган талабларга риоя қилинмаслиги каби бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, телевидение раҳбарларининг ўз фаолиятларини қонун ва норматив ҳужжатлар асосида ташкил этишга масъулиятсизлик билан ёндашаётганликлари аниқланди.

Вилоят ДАИ томонидан текшириш давомида аниқланган камчиликларнинг барта-

раф этилишини таъминлаш мақсадида «Шеробод маҳаллий телевидениеси»га 2007 йил 23 августда К-18/604-сонли кўрсатма берилди ва бажарилиши назоратга олинди. Шу билан бирга, фаолиятига берилган лицензия шартномасининг 4.2, 7.14-банди ва алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун телевидение директори Р.Омоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 153-моддасига асосан маъмурий жазо чораси қўлланилди.

Юқорида келтирилган камчиликларнинг юзга келиши соҳага оид норматив ҳўкуқий ҳужжатларни ўқиб ўрганишга «Шеробод маҳаллий телевидениеси» ходимлари томонидан эътиборсизлик билан ёндашилганлигидан дарак беради.

Келгусида аҳолига телевидение хизмати кўрсатишда кўрсатувлар сифатига жиддий эътибор берилади ва юқорида қайд этилган камчиликлар қайта тикорланмайди, деган умиддамиз.

Х.ШОНАЗАРОВ,  
Сурхондарё вилояти  
ДАИ бошлиғи  
вазифасини бажарувчи

## TADBIR

Сиз қонунни  
биласизми?

Қомусимиз — озод ва ҳур Ватанимизнинг демократик тизим мазмуни ифодасигина эмас, балки уни обод қилиш йўлидаги вазифаларни ҳам акс эттирувчи муҳим дастурдир.

Яқинда А.С.Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан махсус сценарий ва кўргазмалар ишлаб чиқилиб, Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик муҳандислик билим юртининг 3-босқич курсантлари ҳамда 2-босқич курсантлари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" шоири остида танлов уюштирилди. Беллашув шартлари таништирув, Конституциямизга доир савол-жавоблар, ҳарбийлар ҳаётига оид мавзулардан иборат бўлиб, иштирокчилар ўзларининг пўхта тайёргарликлари билан барчани лол қолдирди.

Кўрик-танловда Биринчи баталеон 3-босқич курсантлари ғолибликни қўлга киритишди. Уларга Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик муҳандислик билим юрти раҳбарияти томонидан "Фаҳрий ёрлиқ" ва совғалар топширилди.

Маҳбуба Кулова,  
Ахборот-кутубхона маркази  
билим бошлиғи

"Бухоро Телеком" филиалида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган маънавият ва маърифат ўқуви ўтказилди.

Маънавият ва  
маърифат ўқуви

Тадбир иштирокчилари ҳузурда сўзга чиққан республика "Маънавият ва тарғибот" маркази вилоят бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи, фалсафа фанлари номзоди, доцент Ортиқ Вафоев мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ўқув давомида Ўзбекистон сайлов қончилигидан демократик сайловнинг асосий тамойиллари — умумийлик, сайлов ҳўқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда ихтиёрий қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошқоралик ўз аксини топганлиги алоҳида таъкидланди.

Маънавият ва маърифат ўқуви иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрафлиха жавоб берилди.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Хабар"нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири

ОДАТДА, ЙИЛ ЯКУНЛАНАЁТГАНДА, АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНАДИ, ЯНГИ РЕЖАЛАР ТУЗИЛАДИ. ШУ МАЪНОДА ОЛИБ ҚАРАГАНДА ЯКУНЛАНАЁТГАН 2007 ЙИЛ ФИЛИАЛИМИЗ УЧУН ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛАР ЙИЛИ БЎЛДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.

Рақам ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг ўн бир ойи якуни бўйича даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134,9 фоизни ташкил этди.

Фаолиятимиз давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли ҳамда 2005 йил 19 майдаги 128-сонли қарорларига асосан «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот коммуникациялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурлари»нинг бажарилиши бўйича Китоб, Шахрисабз ва Муборак почта алоқаси тармоқларида электрон пул жўнатмалари тизими ишга туширилиб, филиал бўйича ушбу хизматдан 10 млн. 243 минг 800 сўм даромад олинди, қабул қилинган электрон пул ўтказмаларининг сони 2594тани ташкил этди. Йил якунига қадар вилоятдаги яна 7та почта алоқаси тармоғи ва бўлимида электрон пул жўнатмалари ўтказиш йўлга қўйилади. Қамаш ва Дехқонобод тармоқлари бинолари янгидан қурилди. Қарши шаҳридаги 1, 17 ва 19-алоқа бўлимлари замонавий услубда қурилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Почта жўнатмаларини ўз вақтида миқозларга етказиш мақсадида Китоб, Яққабғ, Фузор, Бешкент ва Касби тармоқлари «Дамас» автомашиналари билан таъминланди. Жорий йилнинг ўзига 30та алоқа бўлими маҳаллий ҳокимият қарорлари асосида филиал балансига ўтказилди.

## Йиллар юксалишлардан сўзлар



**Бизнинг ёшларимиз ниҳоятда истеъдодли, уларнинг томирида инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзга чиқариш барчамизнинг вазифамиздир.**

2007 йилнинг ўн бир ойи мобайнида халқ ҳўжалиги ва аҳолига почта хизмати кўрсатишдан 1 млрд. 209 млн. 836 минг сўм даромад олинди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 640-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 23 дона замонавий компьютер жамламалари сотиб олиниб, почта алоқаси шахобчаларига ўрнатилди, электрон тарозилар билан таъминланди. 8та туман почта алоқаси тармоқларида маълумотларнинг тезкор алмашинувини таъминлаш, электрон пул жўнатмалари тизimini кенгайтириш, марказлашган обхўвани ташкил этиш, «Биллинг» тизimini йўлга қўйиш мақсадида «Ўзбекте-

леком» АК «UzNet» филиали орқали ягона тармоққа уланиш ишлари амалга оширилди. Барча қўлайликларга эга интернет-кафелар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дасури» бўйича ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ҳамда имконияти чекланганларга мақсадли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ходимларнинг дам олишларини яхшилаш, фарзандларини соғломлаштириш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, спортни соҳа ходимларининг кундалик ҳаётини эҳтиёжларига айлан-

тириш, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш ишларига жорий йилнинг ўн бир ойи давомида 10 млн. 687 минг 300 сўм маблағ сарфланди. Бу каби эзгу ва хайрли ишларга бундан кейин ҳам эътибор қаратаверамиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда шу ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимиз маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислохот ва янгиликлар жараёнлари, инсон ва унинг манфаатларининг ҳар нарсадан устуңлиги тўғрисида гапириб, қарши олаётган йиллимизни «Ёшлар йили» деб номлашни таклиф этди. Бизнинг ёшларимиз ниҳоятда истеъдодли, уларнинг томирида инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзга чиқариш барчамизнинг вазифамиздир. Жамоамиз ҳам ақли, салоҳиятли ёшлар билан кенгайиб бормоқда.

Янги йилда янги режалар, улкан вазифаларни адо этишдек масъулиятли вазифаларни бажаришда соҳа ходимларига куч-қувват, соғлиқ-омонлик тиламан. Қарши олаётган йилни эъз орзу-умидлар ушалиши йили бўлсин. Хонадонларингиздан қўт-барак аримасин, янги омадлар доимо ҳамроҳингиз бўлаверсин.

**Солиҳ ҲАФИЗОВ,**  
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ  
Қашқадарё филиали директори

### SEMINAR

## Сифат менежменти

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси хизматлар сифатини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш учун биринчи гада бошқарув механизмининг тақомиллаштириш лозим.

Шу мақсадда 12-14 декабр кўнлари Инженер-техник маркази (ИТМ)да ўқув-семинар ташкиллаштирилди. Унда 2000 йилги ISO 9000 халқаро стандарти асосида сифат менежменти тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласи асосий мавзу қилиб олинди. Семинарни киратиш сўзи билан очган марказ директори Эргаш Аллаев «Ўзбектелеком» АК раҳбарияти қарори асосида барча филиалларда

ҳамда ижроия аппаратида амалдаги сифат менежменти тизimini тақомиллаштирилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда ИТМда сифат менежменти тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этиш хизмати, филиалларда эса ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Семинарда вилоятлардаги филиаллар ҳамда «UzNET», «Ўзбектелеком Мобайл», «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент телеграф-телефон станцияси», «Шаҳрлараро алоқа корхонаси» филиаллари ҳамда «Ўзбектелеком Интернэйшнл» кўшма корхонаси бошқарув аппаратида фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳ аъзолари қатнашдилар. «ЎзАлоқаКонсалтинг» МЧЖ консультанти А.Суванов мазкур тадбирни бошқарди. Тадбир қатнашчилари мута-

хассисларнинг маърузаларидан ташқари, ўз ҳамкасблари иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Жумладан, «ТошТТС» филиалидан Т.Подчередниченко, Н.Рузавина ва С.Завершинская, «ТШПТ» филиалидан О.Шевцова ҳамда «Ўзбектелеком Мобайл» вакили Ф.Қаюмқўжаевлар ўз корхоналарида сифат менежменти тизimini ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар миқолида тажрибалари билан ўртоқлашдилар, янги тизимнинг афзалликларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар ниҳоясида марказ директори Э.Аллаев тингловчиларга тегишли сертифицилар топширди.

**Н.АЛИЕВА,**  
«ЎзАлоқаКонсалтинг»  
МЧЖ етакчи мутахассиси

## Фойдали мулоқот

Хоразм вилоятида почта хавфсизлиги бўлими техникаларини ўқитиш бўйича семинар ўтказилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали почта хавфсизлиги инспектори Машҳура Хожибоева семинарни очар экан, ходимлар тайёргарлигини кўнайтириш долзарб масала эканлигини баён қилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта хавфсизлиги хизмати бўлим бошлиғи Исмаил Маликов ва бош мутахассис Султонпошша Данғярвалар амалдаги Низомлар асосида ходимлар қандай иш юритишлари лозимлиги тўғрисида батафсил тушунчалар беришди.

Техникларнинг асосий вазифаси почта жўнатмалари хавфсизлигини таъминлаш, уларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш, пенсия ва нафақаларни тўлаш технологиялари талаблари ва меъёрларига риоя этилишини назорат қилишдан иборатдир. Почта алоқаси объектларида фуқаро муҳофазаси ишларини ташкил этиш, жўнатмалар ва буюмларни почта хавфсизлиги бўйича назоратдан ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Почта хавфсизлиги хизмати бўлими техникаларига мониторинг масаласига ҳам чуқур ёндашиш тавсия қилинди. Пул жўнатмалари ўз эгаларига вақтида етиб боришини назорат қилиш, бунинг учун ҳар ойда 50-150 нафар пенсионернинг фикрини ўрганиш даркор. Қонунбузарликка йўл қўйилган тақдирда, хизмат теҳируви ўтказиш, ноҳуш ҳодисанинг сабабини ва бунга қандай шароит яратилганини аниқлаш, ўз лавозим мансабини суиистеъмолад қилган ходимга нисбатан чоралар кўриш лозим бўлади. Шунингдек, суғуртали почта жўнатмаларининг йўқолиши ва улардаги жойланмаларнинг қисман етишмаслик ҳолатлари, пенсия маблағлари ва бошқа моддий бойликларнинг йўқолиши, ўғирланиши ёки камомлади аниқланганда почта алоқаси ташкилотларида теҳирув ўтказиш тартиби тушунтирилди.

Очиқ мулоқот чоғида почта хавфсизлиги бўлими техникалари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олишди. Ходимларнинг билим ва малакаларини оширишга қаратилган семинар ишидан барча тингловчилар мамнун бўлишди.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ**

## Алоқачи ака-укалар

МЕҲНАТКАШ ВА ИНТИЛУВЧАН, КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙГАН ЁШЛАР — АКА-УКА ЗОКИРЖОН ВА ҚОСИМЖОН ТОШТАНОВЛАР БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ МАРҲАМАТ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОҒЛАМАСИ, БАЛКИ «АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИНИНГ ҲАМ НАМУНАЛИ ХОДИМЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИЛАР.

Марҳамат шаҳар телефон тармоғи бўйича участкадаги — 150 км ҳаво ва кабел линияси, телефон канализацияси ва қудуқлари, тақсимлаш жавонлари Қосимжоннинг тасарруфида. Шаҳар худудининг яри — мингдан зиёд мижоз телефоннинг узлуксиз ва сифатли ишлаши ҳам доимо унинг зиммасида. Аксарият кўнлар «телефонлар ишламаяпти» деган шикоятларсиз ўтади. Бу эса жуда муҳим. Электромонтёр Зокиржон тўғрисида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин.

Алоқа тизимидаги касблар орасида линия тармоғига тегишли иккита асосий касб бор — электромонтёр ва кабелчи-пайвандловчи. Кабелларни монтаж қилиш, тақсимловчи кабелларни улаш, магистрал кабелларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун кўп ҳолларда махсус тайёргарликдан ўтган кабелчи-пайвандловчилар меҳнатидан фойдаланилади. Ҳар бир телекоммуникациялар боғламасида бир ёки бир нечта кабелчи-пайвандловчи ишлайди. Очиқ ҳаво линиялари аста-секин кабел линияларига алмашаётган ҳозирги вақтда электромонтёр Э.Тоштанов вазиятни тўғри баҳолаб, кабелчилик касбини ҳам ўрганиб олгани жуда қўл келмоқда. Ака-ука Тоштановлар ўзларига тегишли участкадагина эмас, балки Марҳамат телекоммуникациялар боғламаси тармоғида ҳам заруратта қараб кабелга тегишли масалаларни мустақил бартараф қила оладилар.

Ака-укаларнинг телефон тармоғидаги ишларини чуқурроқ ўзлаштиришларига ёрдам бераётган муҳандис Абдувоҳид Тошматов йигитларнинг интилишидан мамнун. Ўз навбатида, Тоштановлар ҳам корхонада эришилаётган ютуқлардан хурсанд.

**Раҳмонжон УЗОҚОВ,**  
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги муҳбири

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча  
аҳолисини, жумладан,  
алоқа соҳаси ходимларини

Янги – 2008 йил  
билан сизқидилдан табриклайди.

Азиз ватандошлар,  
қадрли ҳамкасблар!  
Оппоқ қорнинг момиқ зарралари-ю  
кўнгиракчаларнинг мафтункор  
жаранги билан кириб келаётган  
Янги йил сизга қувонч келтирсин!

## “O`ZBEKTELEKOM” АК “СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз равнақи йўлида  
ҳормай-толмай меҳнат  
қилаётган барча алоқачиларни

Янги йил шодиёнаси

билан чин дилдан қутлайди.

Сизга тинчлик, омонлик,  
бахт-саодат, ҳамроҳ бўлсин.

Қутлуғ хонадонингиздан файзу  
барака ва рўшнолик аримасин!

## МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини  
Ёшлар йили билан  
муборакбод этади.

Азиз ватандошлар!  
Янги йил бахту саодат,  
фаровонлик, ҳамжихатлик,  
осойишталик, она Ватанимиз учун  
юксалишлар йили бўлишини  
тилаб қоламиз.

Неки эзгу истакларингиз  
бўлса, рўёбга чиқсин!

## “ЎЗИМПЭКСАЛОҚА”

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Янги –  
2008 йил


билан юртимиз аҳолисини  
самимий табриклайди.

Эзгу ниятларингиз  
ижобат бўлишига  
тилакдошимиз.

Ёшлар йилида  
сизларга янгидан-янги  
муваффақиятлар ёр бўлсин!

# Хабарлар +tv

## ДУШАНБА — 24 ДЕКАБР




5:55 Курстувлар дастури.  
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
7:00 «Сарой хазорин». Т/с  
7:35 «Ортин бўйлаб» дастури. «Ўзбекистон кўржақасон»  
7:55 «Отин марос»  
8:00-8:40 «Тасвирнома»  
8:45 «Спан ва одан» дастури. «Заман тарихий ибодат»  
«Болалар сайрашон»  
9:10 1. «Болалар дўнони»  
2. «Йил вақий сари». Мультфильм.  
10:35 «Садан арзан»  
10:55 «Менг бир ривоят»  
11:00 «Айборт»  
11:15 «Анак ёлгон». Т/с.  
11:50 «Ортин бўйлаб» дастури. «Тоғлар»  
12:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундаги дастур.  
13:05 «Ханон ҳақида»  
13:45 «Жуна оқинлар»  
14:00 «Айборт»  
14:20 Экин альбом.  
14:25 «Туркия қоррақлариди». Т/с.  
15:15 «Ортин бўйлаб» дастури. «Ўзбекистон кўржақасон»  
15:40 «Ватанпарвар»  
16:40 «Авой саргарин»  
17:00 «Айборт»  
17:15 «Отин марос»  
17:20 «Йилгиз мурум воқисаси»  
«Болалар сайрашон»  
17:40 «Эртанлар» - яшайликка етказлар»  
17:55 «Менг бир ривоят»  
18:00 «Қаттар дўни». Теле serial премьера.  
18:45 «Бир кун»  
19:10 «Оналар олушида»  
19:20 «Сизнинг адолатчилигини»  
19:25, 19:55, 20:55, 21:30 Экинлар.  
19:30 «Айборт» (рус тилида)  
20:05 «ТВ шифорат»  
20:10 «Анак ёлгон». Теле serial премьера (Туркия)  
20:50 «Менг бир ривоят»  
21:00 «Айборт»  
21:40 Долзарб мавзу.  
22:00 «Кўнго рикшан». Теле serial премьера (Корея)  
22:55 «Кўширман, муҳаббат» (SMS, Оқоз бериш)  
23:05 «Рақаман». Т/с.  
23:40-23:45 Тунги наволар.  
«Илжайла»  
23:45 Курстувлар дастури.  
23:50 «Ортин бўйлаб» дастури. «Ўзбек кучличилиги». 1-қисм.  
00:15 «Йилгиз сарин». Видеофильм.  
00:55 Экин альбом.  
01:00 «Айборт» (рус)  
01:35 «Ватанпарвар»  
02:35 «Бир кун»  
03:00 «Едгор». Б/ф.  
04:00 «Айборт»  
04:35 «Отин марос»  
04:45 «Менг бир ривоят»  
04:50 «Ортин бўйлаб» дастури. «Тоғлар»  
05:00 «Қаттар дўни». Т/с.  
05:40-05:55 Ташти наволар.



16:55 Дастуригиз оқишди.  
17:00 «Дарвинг болсон»  
17:10 «Троллар мамлакатин». Мультфильм.  
17:30 «Болалар табииоти»  
17:35 «Ешлар симфонияси»  
17:45 «Итлийский жанок йиле» «Метонет»  
18:00 «KINOMANIYA»  
18:30 «ИзEX хабарлари»  
18:35 «Ешлар навоин»  
18:55 «Yoshlar» аниқласи.

18:00 «Дар»  
19:30 Т/с «ЭФИР СИМФОНЯСИ»  
20:05 «Йилгиз хазорин»  
20:10 «СПОРТЛОТО»  
20:20 «Рақаман кўржатаеи»  
20:30 «ИзEX хабарлари»  
30:40 «SMS-музыка»  
21:00 «Экинлар»  
21:30 Т/с «АВР 19»  
21:55 «Телмуҳаббат»  
22:00 «Дар»  
22:30 Т/с «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ»  
23:30 «Хайрат тун»



17:50 Курстувлар тарихин.  
17:55 Мультфильм: «Шул ва Байта»  
18:05 21:50 «Телмуҳаббат» - меркит.  
18:25 «Бизасавийат»  
18:30 «Полиат»  
18:50 «Кавказ». Т/с.  
19:20 «ТВ юркат»  
19:25 «Музыка SMS»  
19:50 «Силмакт бўйлаб» /рус/  
20:00 «Полиат» /рус/  
20:15 «ТВ юркат» /рус/  
20:20 «Милгааро». Т/с /рус/  
20:50 «Илжайла» /рус/  
21:00 «Ўқимба»  
21:30 «Полиат»  
21:45 «Илжайла»  
22:10 «Ан қабил»  
22:30 «Полиат» /рус/  
22:45 «Йилгиз SMS со звездан»  
22:50-00:50 «Йилгиз» «Мавза»




7:00 «Бадоре утрон»  
8:00 «Талани»  
8:30 «Детектив»  
9:00 «Вароят»  
9:30 «Мавза»  
10:30 «Секрет кампан» - Док.фильм.  
10:55 «Тасвир чизилар»  
11:15 Настольный теннис: «ITF Pro Tour Grand Final»  
11:45 «12.15 Горнолыжный спорт. Кубок мира»  
18:00 «Познован»  
18:20 «Тет-а-тет»  
18:30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18:50 «Мушайк янги»  
19:10 «Воланбол. Лига чемпионов». Мужчины. «Фиджи» «Сербия» (Гаржовин) - «Дитина» ТТ (Россия)  
20:00 «Жан мена»  
20:50 «Баскетбол. Евролига» - «Монтепасси» (Италия) - ЦСКА (Россия)  
21:30 «Хабарлар» (узб. тилида)  
21:50 «ПрофРФ»  
22:40 «Спортивный кино» - «Бой с тенью». Х/ф.  
00:50 «Тунинга оқоз бўйсин»




05:00 Телеканал «Доброе утро»  
09:00 12:00 15:00 Новости  
09:05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение  
09:30 «Мавза»  
10:30 «Контрольная закупка»  
11:00 Serial «Ўзбекистон сизга»  
12:05 «Модный протозор»  
13:25 «Детектив»  
14:00 Другие новости  
14:25 «Фазанда»


15:15 «Пенья». Простыни»  
15:50 «Лолита. Бездомные»  
16:55 «Федеральный судья»  
18:00 «Вечерние новости»  
18:15 «Жди меня»  
19:05 Serial «Таланен деня»  
20:05 «Смарт»  
21:00 «Арван»  
21:30 Serial «Пленка жизни доктора Селвановой»  
22:25 «600 секунд»  
23:25 «Родиться заново»  
00:15 «Новые новости»  
00:30, 02:20, 03:30 «Картофельная фабрика»



05:00 «Доброе утро, Россия»  
08:00 Д/ф «Артист забытого жанра. Владимир Шуберин»  
08:55 Т/с «Тайны следствия»  
09:50 Т/с «Дарим мена крепче»  
